

Мода



11:00 / 13.01.2021 1999

Очиқ-сочиқ кийиниш, айримлар даъво қилаётгандек, эркинлик ёки замонавийликни англамайди. Балки бу қолюқликнинг, маданиятсизликнинг белгисидир. Бу ҳақда Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لِيُذِخَكُمْ اللَّهُ مِنَ الْفِتَنِ الَّتِي كَانَتْ تُفْتِنُ آبَاءَكُمْ وَكُنْتُمْ أَشْدَقُ عَنِيقًا

«Илгариги жоҳилиятнинг очиқ-сочиқлиги каби очиқ-сочиқ юрманг». (Аҳзоб сураси, 33-оят).

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لِيُذِخَكُمْ اللَّهُ مِنَ الْفِتَنِ الَّتِي كَانَتْ تُفْتِنُ آبَاءَكُمْ وَكُنْتُمْ أَشْدَقُ عَنِيقًا
الَّتِي كَانَتْ تُفْتِنُ آبَاءَكُمْ وَكُنْتُمْ أَشْدَقُ عَنِيقًا
الَّتِي كَانَتْ تُفْتِنُ آبَاءَكُمْ وَكُنْتُمْ أَشْدَقُ عَنِيقًا
الَّتِي كَانَتْ تُفْتِنُ آبَاءَكُمْ وَكُنْتُمْ أَشْدَقُ عَنِيقًا
الَّتِي كَانَتْ تُفْتِنُ آبَاءَكُمْ وَكُنْتُمْ أَشْدَقُ عَنِيقًا
الَّتِي كَانَتْ تُفْتِنُ آبَاءَكُمْ وَكُنْتُمْ أَشْدَقُ عَنِيقًا
الَّتِي كَانَتْ تُفْتِنُ آبَاءَكُمْ وَكُنْتُمْ أَشْدَقُ عَنِيقًا

«Эй Одам болалари! Шайтон ота-онангизни авратларини ўзларига кўрсатиш учун устиларидан либосларини ечиб, жаннатдан чиқарганидек, сизни ҳам фитнага солмасин. Албатта, у ва унинг тўдаси сизни сиз кўрмайдиган томондан кўради. Биз, албатта, шайтонларни иймон келтирмайдиганларга дўст қилганмиз. Қачон бирор фахш иш қилсалар: «Ота-боболаримизни шунинг устида

топдик ва буни бизга Аллоҳ буюрган», дерлар». (Аъроф сураси, 27-28-оятлар).

Албатта, аёл кишининг ташқи кўриниши муҳим аҳамиятга эга, яъни гўзал бўлиши лозим, зеро, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганларидек: «Албатта, Аллоҳ гўзалдир, гўзалликни севади». Лекин бу ички олам гўзаллигига, ахлоқий зийнатга ҳамоҳанг кечиши даркор.

Аллоҳ таоло аёлларга зийнатни ҳаром қилмаган:

يٰۤهَلۡ لَّوۡقِ قُۡرۡرِلۡ اَنۡ مَّ تَابَيۡ طَلۡ اَوۡ وَاۡبَعَلۡ جَرۡحَ اَيۡ تَلۡ اِلۡلۡ a

«Сен: «Аллоҳ Ўз бандаларига чиқарган зийнатларни ва покиза ризқларни ким ҳаром қилди?!» деб айт. Сен: «Улар дунё ҳаётида иймон келтирганларга, қиёмат кунида эса фақат ўзларига хосдир», деб айт». (Аъроф сураси, 32-оят).

Бироқ шуниси аниқки, қиз боланинг эгнидаги либос унинг шахсияти, маънавияти ва ички дунёсининг инъикосидир. «Қалбим пок бўлса бўлдида», деган даъво билан очиқ-сочиқ юриш қуруқ даъво, ўз-ўзини алдашдан бошқа нарса эмас.

Аёл кишига инсоний хусусиятлари, руҳий ва ахлоқий гўзалликлари, шахсияти, ҳатто либоси ҳам бир четда қолиб, фақат қуруқ ҳузурбахш жисмдан иборат деб қараш, у билан шу асосда муомалада бўлиш уни таҳқирлашдан бошқа нарса эмас.

Мода борасидаги хатарли жиҳатлар:

Биринчи: Тақлид қилиш.

Ҳозирги кунда кўплаб хотин-қизларимиз миллий кийимларимиздан воз кечиб, кийинган-кийинмаганининг, ҳатто эркак ёки аёллигининг ҳам фарқига бориб бўлмайдиган ярим-яланғочларга эргашиб кетишмоқда.

Иккинчи: Ҳой-ҳавас, исроф ва совуриш.

Ҳар бир мавсумга хос кийимлар, ранг-баранг ва турли кўринишдаги моделлар, урфдаги либосларни намойиш этувчи ва яна кўпгина телеканаллардаги либослар рекламаси билан шуғулланувчи кўрсатув ва дастурлар, электрон сайтлар – буларнинг барчаси аслида исрофнинг бир

кўринишидир. Мисол учун, «Стил» номли биргина сайт дунёдаги 250 та мода уйини ўз ичига олган. Ушбу сайтнинг асосий мақсади – базм либосидан тортиб, чўмилиш либосигача, кийиниш усулларини, яъни аёлларнинг ташқи кўринишларини бошқаришдир.

Биз, ҳар соҳада Европага тақлид қилишга, мода кетидан қувишга ўрганиб қолган халқлар эса мазкур мода уйларида нима улоқтирилса, ўшани шавқу завқ билан, кўзимизга суртиб сотиб олмоқдамиз. Чунки одамлар бизни қолоқ, маданиятсиз деб «айблашларини», шарманда бўлишни хоҳламаймиз-да. Истеъмолчи қора бозор вакиллари бўлганимиз учун мода уйлари ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларини бир чеккадан бозорларимизга, дўконларимизга тўкиб ташлайди. Биз эса гўёки уларни сотиб олишга мажбурмиз. Кийинишга бўлган бундай кўр-кўрона муносабат моддий имкониятларимизни, мол-дунёмизни совурмоқда. Бу ҳол ортиқча сарф-харажат, исрофгарчилик, кибр каби салбий оқибатларни келтириб чиқармоқда. Ҳатто қизларимиз бир марта кийган либосини бошқа муносабат билан иккинчи марта кийишдан уялиш даражасигача боришди. Тўйлар, байрам кечалари, турли йиғинлар либослар кўргазмасига айланиб кетган.

Учинчи: Суратпарастлик.

Биз яшаётган ушбу асрда компьютер технологиялари соҳасида, идора қилиш услубида, турли-туман маълумотлар тўплашда, илм-маърифат соҳасида фойдали янгиликлар ниҳоятда кўпайди. Бироқ ташқи кўринишда кўр-кўрона тақлид қилиш аср билан ҳамнафас бўлиш дегани эмас. Балки ҳамнафаслик давр руҳиятини тушуниш, унинг энг олис қирраларинида билиш, ҳақиқий, фойдали, илмий, асос нарсаларга эҳтимом бериш билан бўлади, юзакилик, шаклу шамоилни ўзлаштириш билан битмайди.

Биз бошқа халқларнинг ўз миллатига хос либос ва кийимларга алоҳида эътибор беришларини кўрамиз. Ҳатто сафарда ҳам, бошқа юртларга кўчиб борсалар ҳам, ўзларининг миллий кийимларини тарк этишмайди. Улар айниқса кийиниш борасида бошқаларга тақлид қилишни ёқтиришмайди, маданий ва ижтимоий хусусиятларини муҳофаза қилишади. Аммо мусулмонларга нима бўлганки, қадимдан бобо-момоларидан мерос бўлиб келаётган миллий либосларни фақатгина фестивалларда, миллий байрамларда кийиладиган кийимларга айлантириб олишган.

Тўғри, бу билан биз қиз бола момосининг кийимини кийиши шарт, демоқчимасмиз. Ислом маълум бир рангни ёки маҳсус бир либосни

кийишни фарз қилмайди. Бироқ у кийимда маълум сифатлар бўлишини шарт қилади ва ўз тобеларидан онгли бўлишни талаб этади.

Либос инсон танасини иссиқ ва совуқдан тўсиши, аврат саналадиган аъзоларни беркитиши, шаҳватни қўзғатишга сабаб бўлмаслиги шарт.

كُلِّدَىٰ وَقَتْلِ سَابِلٍ وَأَشْيَرَوْ مَكْتَأَوْسِ يَرَاوِي سَابِلٍ مَكْتَيْلَعِ انْزَنَ أَدَقِ
نُورُكَ دِي مَعْلَعِ لَلِاتِ أَيَّ نَمَ كَلِّدُ رِي خ

«Батаҳқиқ, сизларга авратингизни тўсадиган либос ва зийнат либосини нозил қилдик. Тақво либоси - ана ўша яхшидир». (Аъроф сураси, 26-оят).

Исломда либос қарши жинсдагиларнинг жинсий майлини қўзғатмайдиган, баданнинг шаклини, рангини билдириб турмайдиган, танадаги аъзоларни бўрттириб кўрсатмайдиган бўлиши лозим. Акс ҳолда кийимдан кўзланган асосий мақсад - авратларни тўсиш рўёбга чиқмайди. Фақат ётоқхонада кийиладиган кийимларга бу каби шартлар қўйилмайди. Зотан, либос ҳаёга, иффатга, эркак ва аёл ўртасидаги алоқаларнинг соф инсоний суратда кечишига ундаши керак. Шунинг учун ҳам иффат асосида кийиниш бахт-саодат руҳини акс эттиради.

Одинахон Муҳаммад Содиқ

«Ҳилол» журналининг 1(22) сонидан